



Ishonch

Моҳият
Эрни қанча кўп эъозла-санг, у сенга шунча кўп ризку насиба бераверади.
 Ислон КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси нашри

Gazeta 1991-yil 21-martdan чиқа бoshлаган

Томорқа хўжалиги — касба уюшма оталиғида

Ўзбекистонда томорқа хўжалигини ривожлантиришга доир амалий ишлар мустақиллик учун очиқ-ошкора кураш бошланган даврларда — 1989 йилдан бошланган, десак асло муболага қилмаган бўламиз. Бугун Ўзбекистон жаҳон иқтисодий инқирози таназзулини бир қадар оғриқсиз ўтказибгина қолмай, бу даврда ривожланиш сари мисли қўрилмаган эврилишлар қилаётган экан, бунда ҳам томорқа хўжалигини кўллаб-қувватлашга доир давлат сиёсатининг салмоқли ҳиссаси бор.

Энди томорқа хўжалигини янада ривожлантириш масаласи давлат сиёсати сифатида яна кун тартибига чиқмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки томорқадан келаётган даромад аҳоли фаровонлигини ва бозорларимиз тўқинчилигини таъминлабгина қолмай, мамлакатимиз валютаси захирасини мустаҳкамлашга ҳам муносиб ҳисса қўшмоқда. Масалан, Сирдарё вилоятининг энг шароити оғир тумани ҳисобланган Мирзаобод тумани оладиган бўлса, бу йилнинг ўзида биргина анорчиликдан томорқа аҳлининг олган даромади 9,5 млрд. сўмни ташкил этгани томорқа хўжалигининг иқтисодий ҳаётимизда нечоғлик аҳамиятга эга эканини кўрсатади. Бунга Мирзаобод қовуни шуратини байроқ қилиб ушлаб турган омилкор полизчилар ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш йўлига олиб чиқаётган тадбиркорлар меҳнати қўшилса, мизабодликлар хазинанинг ичида яшаётган экан-да, деган тасаввур пайдо бўлади.

Лекин жануб томонидаги Ховос туманидан 68 м., шимол томонидаги Сирдарё туманидан 5 м. пастликда — Сардоба паст текислиғида жойлашган, бир метр чуқур қавласангиз шўр сув чиқиб турадиган Мирзаобод шароитида томорқа хўжалигини намунали даражада ривожлантириш чинакам қаҳрамонлик намунаси ҳисобланади. Йўқ, биз маҳобат қилмаймиз. Томорқа бўйича биринчи мониторинг натижаларига кўра Мирзаобод тумани Сирдарё вилоятининг намунали худуди сифатида эътироф этилди. Яна кейинги 19 йил ичида мазкур туманда биринчи марта пахта тайёрлаш режаси бажарилганини эътиборга олсак, чиндан ҳам бу йил мизабодликларнинг омади келган, дейиш мумкин. Шунинг учун ўтган кун туман ҳокимлигида бўлиб ўтган семинарда томорқа хўжалигининг фойдаланилмаётган имкониятлари ҳақида атрофлича фикр юритилди.


— Томорқанинг орқасидан 5 ўғил, 6 қизни уйлик-жойлик қилдим. — дейди «Меҳнатобод» қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Дехқонобод» маҳалласида яшовчи Обиджон ҳожи Ҳақимов. — Икки марта Ҳаж зиёратини бажардим. Мана энди туман аҳлини, қолаверса, бутун сирдарёликларни томорқа қони фойда, деган амал билан яшашга даъват этиб юрибман.

Мизабодда Обиджон ҳожи сингари омилкор томорқачилар юзлаб топилди. Бунга маҳаллаларни айланиб, ўзимиз ишонч ҳосил қилдик. Лекин гувала деворлар, ёрдамталаб хонадонлар ва мониторинг натижасида аниқланган 12-14 фоиз қишлоқ аҳолисининг томорқадан яхши фойдаланилмаётгани ҳақидаги ахборот бу соҳага эътиборни янада кучайтириш кераклигини кўрсатмоқда.

Ўтган кун Мирзаобод туман ҳокимлиги мажлислар залида бўлиб ўтган семинар-кенгашда бу масалалар атрофлича муҳокама қилиниб, тегишли тавсиялар берилди.

Шундай семинар-кенгашлар Тошкент вилоятининг Оққўрғон туманида ва Жиззах вилоятининг Дўстлик туманида ҳам бўлиб ўтди.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси Кенгаши раиси Танзила Нарбаева амалий тусда ўтган бу семинар-кенгашларда иштирок этиб, томорқа хўжалигини ривожлантиришга доир давлат сиёсатининг моҳиятини атрофлича тушунтириб берди.



— Ўн сотиқ томоркам бор. — дейди тумандаги Файрат қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Хусан ака Шокиров. — Шунинг 6 сотиқи тоқзор. Ўтган йили тоқзоримизда 5 тоннага яқин узум етиштирдик. Ҳосилнинг бир қисми пойтахтимиз бозорларига етказиб берилган бўлса, қолганини маҳаллий тадбиркорлар экспортга чиқариш учун сотиб олишди. Томорқанининг қолган қисмида бодринг, картошка ва бошқа экинлар етиштирамиз. Уларнинг ҳам рўзгордан отган қисми бозорга олиб чиқилади. Ўтган йили 6 млн. сўм даромад қилдик. Бу йилги ҳосилни янги йил байрамигача сақлаш ниятидамыз.

Тадбиркор дехқонлар узумни баҳор-гача яхши ҳолда сақлаш йўлини ўйлаб

топишган. Бунинг учун совуқ кунлар бошланиши билан узум узилмай ток худди иссиқхонадек ўраб олинади. Қўлбола иссиқхона ичида узумга изғирин тегмайди. Бунда ҳосил қаҳратон қишгача тоқда тургани учун олтиариқликлар узумни «ток узум» деб аташади.

— «Ток узум» етиштириш анча меҳнат талаб қилади, — дейди Хусан аканинг ўғли Ботиржон Шокиров. — Сўриток тепаси ва атрофи ёпилиб ичкарига печка ўрнатилади. Асосийси, ҳарорат мева бандлари музлаш даражасига тушмаслиги керак. Бундай узумнинг нархи ҳам пишиқчилик

Олтиариқ ўзининг боғу тоқзорлари, полиз экинлари билан машҳур. Айниқса, туман дехқонлари етиштираётган бодрингу турпга таъриф йўқ. Табиатан тадбиркор эл боғдорчилик ва дехқончилик маҳсулотлари билан халқимиз дастурхонини тўқин этиб қолмай, Россия, Қозоғистон, Шарқий Европа мамлакатларига уларни экспорт қилади.



пайтларидан анча банд бўлади. 6 сотиқ ерда «ток узум» етиштирган дехқон 10-12 млн. сўм даромад қилиши мумкин.

Икром ҲАСАНОВ олган суратлар



Айни кунда аҳоли томорқаларига экиш учун зарур бўлган уруғлик, кўчат, иш анжомларини етказиб бериш мақсадида «Агробанк» очик акциядорлик тижорат банки филиаллари томонидан махсус автоматизациялар ажратилиб, кўча дўконлар ташкил этилмоқда.

«Агробанк» ОАТБ Мирзаобод туман Турғун Аҳмедов мини банки ходимлари аҳолига махсус ажратилган «Дамас» автомашинасида уруғлик етказиб беришни бошлаб юборишди.

— Таъкидлаш жоизки, уруғлик, кўчат ва томорқа учун керакли



жиҳозлар нақд пул ва пластик қарточкалари орқали сотилмоқда. Ҳар бир кўча дўконимиз терминал билан таъминланган, — дейди банк ходими Муҳиддин Бийматов.

Суратда: «Агробанк» ОАТБ Сирдарё вилояти уруғчилик кўча дўкони Мирзаобод туманидаги «Наврўз» маҳалласи фуқароларига сабзавот уруғларини тасвия қилишмоқда.

Муҳаммад КАРИМ олган суратлар

Эътироф

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси авиация техникасига техник хизмат кўрсатиш жараёнига замонавий услубларни татбиқ этиш соҳасида эришган ютуқлари учун Халқаро авиация қўмитаси (ХАК)нинг фахрли дипломи соҳиби бўлди.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» — Халқаро авиация қўмитаси дипломи соҳиби

Халқаро авиация қўмитасининг 20 йиллиги муносабати билан, фуқаро авиацияси ва ҳаво йўлларида фойдаланиш тўғрисидаги халқаро Келишувга аъзо давлатларнинг бир қатор авиация мамуриятлари, авиакомпания ҳамда ташкилотлари фуқаро авиациясини ривожлантириш, парвозлар хавфсизлигини таъминлаш, халқаро аэродромлар тармоғини ривожлантириш, замонавий авиация техникасини яратиш, авиация ходимларини тайёрлаш, замонавий техник хизмат кўрсатиш услубларини татбиқ этиш борасида эришган ютуқлари учун ХАКнинг медал ҳамда дипломи билан тақдирланди.

Мурувват

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясининг V Курултойи ҳамда қарорларида меҳр-мурувват кўрсатиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Кўнгил кўнгилдан сув ичар

Касба уюшмаси фаоллари тез-тез жойларда бўлиб, ноғирон ва қарияларга, ёш болалар ва кам таъминланган ҳамда мамлакатимиз мустақиллигини ҳимоялаш ва конституция тизимини муҳофаза қилишда ўз хизмат вазифаларини бажараётган вақтда ҳалок бўлган юртимиз ўғлонларининг оилаларига, уларнинг фарзандларига касба уюшмалари томонидан мунтазам равишда ёрдам бериб келинмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири пойтахтимизнинг Мирзо Улўғбек туманидаги Эркақлар Мурувват уйида бўлиб ўтди. Қурбон ҳайити байрами муносабати билан Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касба уюшмаси Марказий кенгаши вакиллари у ерда бўлиб, ноғиронларга 7480 минг сўмлик қишки иссиқ кийимлар тарқатишди.

— Эркақлар Мурувват уйи 340 уринга мўлжалланган. Ноғиронларга 115 нафар маҳаллаи ходим хизмат кўрсатмоқда, — деди директор Музаффар Саъдуллаев. — Ходимлар хизматидан барча мамнун. Бу ерга кўплаб ҳомийлик ёрдамлари кўрсатилиши аниқ тасвир олган. Йилнинг шу даврига қадар турли ташкилот, маҳалла, савобталаб фуқаролардан совға-саломлар олдик. Озиқ-овқат, дори-дармон, кийим-кечак, юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар, тиббий асбоб, қурилиш жиҳозлари ҳамда бошқа турли қурилишдаги ҳомийлик ёрдамлари шулар жумласидан.

Нарзулла МАХАМОВ, «Ishonch» мухбири

Диккат, танлов!

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси Кенгаши Федератсия эмблемаси ва байроғида «**Инсонга наф келтириш — олий бaxт**» шioriда илгари сурилган гоҳни янада иққол тасвирлаш мақсадида танлов эълон қилади.

Мазкур эмблема ва байроқ намуналарида Федератсиянинг асосий мақсади, яъни касба уюшмаси аъзоси бўлган, турли соҳаларда меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимлар ва ўқувчи-талабаларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаат ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш гоҳларини акс эттириш мақсадга мувофиқдир.

Танлов иштирокчилари эмблема ва байроқ тасвири билан бирга унинг тавсифини

2011 йилнинг 1 декабр кунига қадар Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси Кенгаши аппаратининг Тахир кенгашига чизма ва электрон вариантда тақдим этишлари лозим.

Танлов гоҳлиби Ўзбекистон Республикасида белгилаб қўйилган энг кам иш ҳақининг ўн баробари миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланади.

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси Кенгаши
 Манзил: Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
 Мурувват учун телефон: (8-371) 252-21-24



Бразилия сари яна бир қадам

Ушбу мусобақанинг қўйтмаси миқёсидаги учинчи босқичида энг кучли йиғирма терма жамоа бешта гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч бинашмоқда. «С» гуруҳидан жой олган Ўзбекистон миллий терма жамоаси дастлабки учрашувда сафарда Тожикистон футболчиларини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, иккинчи турда Тошкентда японияликлар билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган эди.

Вадим Абрамов шоғирдлари кеча тўртинчи тур учрашувда «Пахтакор» марказий стадионида ҚХДР терма жамоасини қабул қилди. Қизикарли вазиятларга бой бўлган учрашувнинг 49-дақиқасида Тимур Кападзе томонидан киритилган ягона гол жамоамизга галаба келтирди.

ЖЧ — 2014

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси 2014 йили Бразилияда ўтказиладиган жаҳон чемпионатининг учинчи саралаш мусобақаси доирасида Корея Халқ Демократик Республикаси футболчилари билан бўлган дастлабки учрашувда 1:0 ҳисобида сафар қучганди.

Ушбу тур доирасида Япония терма жамоаси тожикистонликлар дарвозасига жавобсиз тўрт гол йўлади ҳамда ўн очкога эга бўлди. Вакилларимиз ҳам навбатдаги галабадан сўнг шунча очко тўплаган. Тўлар нисбатига кўра кунчиқар юрт вакиллари гуруҳда пешқадамлик қилишмоқда. Футболчиларимиз кейинги турда 15 ноябр кун Тожикистон терма жамоасини қабул қилади.

2011 йилнинг 2 сентябрида бошланган саралаш мусобақасининг учинчи босқичи 2012 йилнинг 29 февралигача давом этади. Ҳар бир гуруҳдан энг кучли иккитадан терма жамоа саралаш мусобақасининг ҳал қилувчи — тўртинчи раундига йўланма олади.

Адахам АРСЛОНОВ, «Ishonch» мухбири

Эл саломатлиги — эзгу мақсадимиз

Зеро, аҳоли саломатлиги, айниқса, соғлом авлодни тарбиялаш ва юртнинг келажиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Соғлом авлоднинг тарбиялаш ва юртнинг келажиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Соғлом авлоднинг тарбиялаш ва юртнинг келажиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Соғлом авлоднинг тарбиялаш ва юртнинг келажиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Юртимизда тиббиёт тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар инсон ва унинг манфаатига қаратилгани билан аҳамиятли. Айниқса, она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантириш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда. Энг яхши натижаларни қўшишда оналар ва болалар бўлимлари иш бошлади. Деярли барча вилоятда скрининг марказлари фаолият кўрсатмоқда. Улар замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган. Бу хайрли ишлар нуфузли халқаро ташкилотлар, жумладан, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ҳам муносиб баҳоланмоқда.

— Марказий кенгаш ўз иш фаолиятини ЎзКУФ ва тармоқ касба уюшмаси V Курултойлари қарорлари, «Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси» билан бирлашган касба уюшмаларининг фуқаролик ҳамияти барпо этиш шароитидаги Ҳаракат дастури» асосида олиб бормоқда, — дейди Марказий кенгаши раиси Бахтиёр Маҳмадалиев. — Марказий кенгаш тасарруфида 1767 та бошланғич ташкилот бўлиб, шундан 1334 таси касба уюшма қўмиталари, 433 таси касба уюшма ташкилотларидир. Янада аниқроқ айтсак, уларнинг 1679 таси қорхона ва муассасаларда, 11 таси олий ўқув юрларида, 77 таси касбухона коллежларида ташкил этилган. Аъзолар сони 740

миг 823 нафарни ташкил этади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тармоқлар кенгаши билан бирлашган касба уюшмаси Марказий кенгаши уртасидаги икки томонлама келишувга асосан қонун устуворлиги ижтимоий шериклик асосида амалга ошириляпти. Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари, бандлик, меҳнат шароити, иш ҳақи ва меҳнат муҳофазасига оид манфаатларини тўла қамраб олишга ҳаракат қилинмоқда. Кўплаб тиббиёт муассасалари иқтисодий имкониятларини ҳисобга олиб, ходимларга қўшимча имтиёзлар бериляпти.

(Давоми 2-бетда)

Эл саломатлиги — эзгу мақсадимиз



(Давоми. Боши 1-бетда)

Хар бир мурожаат тармоқ кенгаши, ҳудудий ташкилотларнинг мутахассислари томонидан назоратга олинб, қонун талаблари асосида ижобий ҳал этилаётган. Утган 9 ойда Марказий кенгашига 116 та ёзма, 541 та оғзаки мурожаат келган тушган. Шундан 178 таси иш ҳақи ва мукофотлаш, 120 таси иш берувчилар томонидан ходимларни ноқонуний ишдан бўшатиш ёки бошқа ишга ўтказиш, қолгани таътил, қўшимча ҳақ тўлаш, касаллик варақалари тўловлари масалаларига оиддир.

— Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги қабул қилган қўшма қарори имкониятларимизни янада кенгайтирди. — дейди Марказий кенгаш раиси ўринбосари Нигора Нурматова. — Қўшма тадбирлар режаси асосида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, «Умид Гулшани санаторийси» МЧЖда май ойида бир ҳафта давомидо фертил ёшдаги 70 нафар аёл Марказий кенгаш томонидан бепул соғломлаштирилди.

Тармоқ касаба уюшма ташкилотлари томонидан кам таъминланган ёш

оила вакилларида 2448 нафари, фарзандлари 2 ёшдан 3 ёшга тулгунга қадар бўлган 243 нафар ёш онага моддий ёрдам берилди. 62 нафар аёлнинг туғишга ва туғишдан кейинги ҳақ тўланадиган таътиллари қуни узайтирилди.

Касаба уюшма маблағи ҳисобидан 7 та янги иш ўрни яратилди.

Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, Савдо-саноат палатаси ўртасида Бош Келишувнинг қабул қилиниши соғлиқни сақлаш ва касаба уюшма ташкилотлари раҳбарларидан билим доирасини кенгайтириш, ижтимоий шериклик асосида янада кенг кўламли иш олиб боришни талаб қилади. Шу мақсадда Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида тиббиёт муассасалари раҳбарларига ҳар ойда 6 соатлик касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва асосий вазифалари тўғрисида ўқув-семинар ташкил этилаётган.

Бошлангич касаба уюшма ташкилотлари фаолиятини намунали йўлга қўйган тузилмаларни рағбатлантириш мақсадида «Энг намунали бошлангич

ташкilot» кўрик-танлови ўтказилди. Унда Хонқа ТТБ касаба уюшма кўмитаси биринчи, Сароисий ҚВП касаба уюшма кўмитаси иккинчи, Гижувон ТТБ касаба уюшма кўмитаси учинчи ўринни эгаллади.

Хонқа туман тиббиёт бирлашмаси касаба уюшма кўмитаси Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши томонидан ҳам биринчи ўринга лойиқ деб топилди.

Тиббиёт муассасаларида турли маданий-маърифий тадбирларга алоҳида эътибор қаратилиб, олимлар, ёзувчи ва санъаткорлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Марказий кенгаш сайти — www.profzdrav.uz ишга туширилгани ҳам айна мuddо бўлди. Унда соҳага доир мавжуд қонун ва меъёрий ҳужжатлар, касаба уюшма ҳаётидаги янгиликлар ёритилмоқда.

Спорт ва соғломлаштириш йўналишидаги ишлар ҳам эътиборга сазовор. Мисол учун, ходимлар фарзандларининг ёзи таътилда оромгоҳларда соғлигини мустаҳкамлаш учун Марказий кенгаш томонидан 60 донга бепул йўлланма ажратилди.

Айни пайтда тармоқ бўйича 192 та спорт майдончаси бўлиб, шуғулланувчилар сони 101884 нафар, соғломлаштириш гуруҳларида шуғулланувчи эса 55 минг нафарни ташкил этаяпти. 21447 нафар ходим спорт секцияларида қатнашаётган.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказий кенгаш ҳамкорлигида тиббиёт ходимлари ўртасида турли кўрик-танлов ҳамда турнир ва спартакиадалар ўтказиш аниқлаб айланган. Айниқса, мустақиллигимизнинг 20 йиллиги ҳамда Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йиллига бағишланган тармоқ ходимларининг X Республика «Саломатлик» спартакиадаси қизгин ўтди.

Утган 9 ойда тармоқда ишлаб, ҳаёт тақозоси билан ёлғизликда қолган 141 нафар ёлғиз кексага касаба уюшма маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. 63 нафарига дори-дармон, 71 нафарига озиқ-овқат маҳсулотлари олиб берилди.

Ёшларнинг изланиш ва ташаббусини қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш ҳамisha эътиборда. Кенгаш томонидан

ойий ва ўрта махсус тиббиёт ўқув юртлирида тахсил олаётган кам таъминланган ва кўп болали оилаларнинг иқтидорли фарзандлари учун устама стипендия берилмоқда. Республика миқёсида 74 нафар талабага касаба уюшма стипендиялари таъсис этилганлиги диққатга сазовор.

Тармоқда «Усто-шогирд» аънаси кенг йўлга қўйилиб, тажрибали мутахассислар кўмагида ёш кадрлар захираси бойитилмоқда. Касаба уюшма маблағларидан турли тиббиёт бирлашмалари қошида «Усто-шогирд» хоналарини ташкил этиш ҳамда керакли жиҳозлар билан таъминлашга катта эътибор қаратилаётипти.

Касб-хунар коллежи битирувчиларини ишга жойлаштиришда касаба уюшмалари ҳам ўз хиссасини қўшмоқда. Масалан, Наманганда 140, Фарғонада 430, Самарқандда 55, Навоийда 949 нафар ёш «Усто-шогирд» аънаси бўйича ишга жойлаштирилди. Касаба уюшмалари маблағидан «Усто-шогирд» аънаси бўйича янги ишга кирган ёш мутахассисларга энг кам иш ҳақининг 20 фоизи ва 50 фоизи миқдоридан бир марталик моддий ёрдам кўрсатилди.

Тармоқ касаба уюшмалари томонидан ходимларнинг меҳнат шарафити яхшилашиб, ишлаб чиқаришда жароҳатланишнинг олдини олинаёпти. Хусусан, ҳаво алмаштириш тизимлари ва техник асбобларни қайта таъмирлаш, иш жойидаги ёруғлик, заҳарланиш, газ кўрсаткичларини санитария меъёрига келтириш каби масалаларга жамоатчилик эътибори қаратилмоқда.

Тиббиёт ходимлари кунига бағишлаб барча ҳудудий тармоқ кенгашлари ташаббуси ва ҳомийлигида соғлиқни сақлаш муассасалари, тиббиёт институтлари, касб-хунар коллежларида турли тадбирлар, учрашув ва мусобақалар ташкил этилмоқда.

Касб байрами муносабати билан Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Марказий кенгаш ҳамкорлигида тиббиёт ходимлари ўртасида «Уч авлод» учрашуви ташкил этилади. Буларнинг барчаси иш самарадорлигини янада оширишга хизмат қилиши шубҳасиз.

Амина ҚОДИРОВА,
«Ishonch» мухбири

Ёқилги-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси вилоят кенгаши тасарруфидаги корхона, ташкилотларда «Устоз-шогирд» усули изчил амалга оширилмоқда. Жумладан, Муборак газни қайта ишлаш заводида амалиёт ўтаган коллеж битирувчилари бошлангич касаба уюшма кўмитаси томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланди. Жорий йил заводга битирувчи ёшлардан 17 нафари ишга қабул қилинди. Талабалар ҳамда ишли бўлган ёшлар меҳнат муҳофазаси бўйича кўриқдан ўтказилди ва махсус кийим, яқка тартибдаги химоя воситалари билан таъминланди.

Устоз тавсияси билан

«Қашқадарё ҳудудий электр тармоқлари» очик акциядорлик жамиятида 470 нафар коллеж ўқувчиси амалиёт ўтади, 25 нафар малакали ишчи касбий кўникмаларни ўзлаштиришда уларга устозлик қилди. 96 нафар битирувчи эса ишли бўлди.

Мустақиллигимизнинг 20 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Энг зукко нурчи» кўрик-танлови ёш мутахассислар билимини синашда қўл келди. Янги ишчилар билан меҳнат шартномалари тузилиб, касаба уюшма аъзолиги афзалликлари, меҳнат муҳофазаси қоидалари атрофида тушунтирилди. Шунингдек, улар жамоа шартномаси бандларидан акс эттирилган ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан таништирилди.

«Шўртаннефтваз» унитар шўбба корхонасида 304 нафар ўқувчи амалиёт машғулотларини ўтаб, уларнинг 25 нафари ўз меҳнат фаолиятини бошлади. Бу ерда ҳам «Устоз-шогирд» усулига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу йилнинг ўтган тўққиз ойи мобайнида корхонага 31 нафар ёш мута-

хассис ишга жойлашди. Бу борада «Талимаржон иссиқлик электр станцияси» унитар корхонасида ҳам «Устоз-шогирд» усули ишлаб чиқилди ва унга кўра ўқув муассасаларида ўқувчилар билан суҳбат ўтказилди. Саноат-энергетика касб-хунар коллежининг битирувчи курс ўқувчилари билан уч томонлама шартнома имзоланди. Шу тариқа 91 нафар талаба корхонанинг тузлу цех ва бўлимларида ишга жойлашди.

Бундан ташқари, «Муборакнефтваз» унитар шўбба корхонаси, «Муборакнефтваз» унитар шўбба корхонаси, «Узгеобургулнефтваз» акциядорлик компанияси қарашли корхоналарда ҳам «Устоз-шогирд» аънасалари давом эттирилиб, амалиёт ўташ учун келган бўлажак мутахассислар махсус кийим-бош, пойабзал ҳамда озиқ-овқат билан таъминланяпти ҳамда уларга касаба уюшма маблағи ҳисобидан бир марталик моддий ёрдам ҳам кўрсатилмоқда.

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch» мухбири

Касаба уюшмаси ташаббуси

Ёрдамчи хўжалик — эскирган тушунчани?

ёки Қўқон шаҳрида бу борада амалга оширилган ибратли ишлар хусусида

Бозор иқтисодиёти шароитида корхона мутасаддилари энг аввало ўзи ишлаб чиқарадиган маҳсулот сифати ва салмоғини ошириши, бу маҳсулотни кўп ва қимматроқ сотилиши устида бош қотириши табиий бир ҳол. Лекин шу билан бирга, ўз тасарруфидаги ёрдамчи хўжалиқлардан ишчи-хизматчиларнинг моддий фаровонлигини ошириш, дам олишларини ташкил этишда фойдаланяётган корхоналар ҳам талайгина.

Қўқон шаҳридаги «Қўқонспирт» ОАЖда мингга яқин одам ишлайди. Корхона ўз ҳудудидаги 1 гектар майдонда иссиқхона қурган. Бу ерда цитрус мевалари, кўкат ва सबзавотлар етиштирилади. Яна 3 гектар майдонда мевазор боғ барпо этилган. Корхонада турли мева-субзавотлардан оқилноа фойдаланиш учун консерва цехи ишлаб турибди. Бу цехда тайёрланган консерва маҳсулотлари хоризга ҳам экспорт қилинаёпти.

Шаҳардаги «Мастона» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти касаба уюшма кўмитаси шу йил бошида корхонада ёрдамчи хўжалик ташкил этиш ташаббуси билан чиқди. Жамият бошқаруви ва меҳнат жамоаси ташаббусини қўллаб-қувватлади. Албатта, «бозор иқтисодиёти шароитларида ёрдамчи хўжалиқнинг кераги борми?» дегувчилар ҳам топилди. Лекин касаба уюшма аъзолари фикридан қайтимишди. Ёрдамчи хўжалиқни ривожлантириш учун ер майдони, бинолар ажратилди. Ем-хашак, қорва озуқалари билан хўжалиқни таъминлаш режаси пухта ишлаб чиқилди. Хуршид-жон Полвонов балиқчилик тармоғига, Сирожиддин Жалолов паррандачиликка, Уринбой Фармонов эса қорамолчилик ва қўйчилик соҳасига мутасадди этиб тайинланди. Кўп ўтмай ёрдамчи хўжалик корхона қорига ярай бошлади. Хамир учидан патир қабилида дастлаб паррандачиликдан ишчи-хизматчиларнинг ҳар бирига ойига 30 донадан тухум бепул тарқатилди. Байрамлар шарофати билан эса парранда гўшти бериш йўлга қўйилди.

Ҳозирги пайтга келиб, ёрдамчи хўжалиқда 5 минг бош парранда, 20 та қорамол, 100 бош қўй, махсус ҳовуларда эса 10 минг донадан ортиқ балиқ парваришланмоқда. Куз ўрталаридан бошлаб, ишчи-хизматчиларга балиқ ҳам бериладиган бўлди. Бу ишлар атиги 8-9 ой ичида амалга оширилганини таъкидлаш лозим. Эндиликда корхона ёрдамчи хўжалиғи таркибидан новвойхона ҳам очиладиган бўлиб турибди.

Қўқон иккинчи пахта тозалаш заводи касаба уюшма ташкилоти корхона раҳбарияти билан ҳамкорликда иссиқхона қуришга бош-қош бўлди. Ишчи-хизматчилар кучи билан 1 гектар майдонда мевазор боғ яратилди. 20 минг бош товук боқиладиган паррандачилик хўжалиғи ташкил этилди. Ҳозирги кунда пахта тозалаш заводи кунига 8-10 минг дон тухумни шаҳар бозорларига чиқармоқда. Ёрдамчи хўжалик ҳисобида 130 бошдан ортиқ зотдор қўй мавжуд. «Янги ҳаёт» тайёрлов идораси ҳудудидаги 110 сотихли сунъий кўлда эса балиқ боқилмоқда.

Ёрдамчи хўжалиқлар барпо этиш, улардан ишчи-хизматчилари манфаати йўлида фойдаланиш Қўқон шаҳрида кенг қўл очилмоқда. Масалан, «Қўқонгёмой» ОАЖда эски омбор биноси парранда боқиш учун мослаштирилди. Тез орада бу ерда ҳам ҳаёт қайнади. Таъкидлаш лозимки, ёрдамчи хўжалиқлар корхоналар ишчи-хизматчиларини бепул ёки арзон нархдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминланганига қўлмай, янги иш ўринлари яратишда ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Айтилайлик, Қўқон иккинчи пахта тозалаш заводи ёрдамчи хўжалиғида 20 та янги иш ўрни очилган бўлса, «Мастона» очик турдаги ҳиссадорлик жамияти ёрдамчи хўжалиғида 40 та ишчи ўрни яратилди. Мухими, ёрдамчи хўжалиқлар барпо этишда касаба уюшма ташкилотлари ташаббускорлик кўрсатмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири



Халқаро конференцияни ташкилий кўмита раиси, академик Сайёра Рашидова ва кириш сўзи билан очди.

— Мазкур илм маскани Полимерлар кимёси бўлими негизидан 1979 йилда фундаментал ҳамда амалий тадқиқотларни ривожлантириш ва мувофиқлаштириш мақсадида ташкил этилган. — деди С.Рашидова. — Институт ўтган йиллар мобайнида халқ хўжалигининг турли соҳалари талаб-эҳтиёжларини қондириш ва полимерлар ҳақидаги фаннинг долзарб муаммоларини ҳал қилишда катта ютуқларни қўлга киритди. Халқаро анжуман, ўйлашмиш, илмий изланишларимизнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Шундан сўнг Ўзбекистон Фанлар ака-

демияси президенти академик Шавкат Солиҳов, Фанлар академияси вице президенти Тохир Арипов анжуман қатнашчиларни қизгин табриқлашди.

Халқаро анжуман қатнашчиларидан россиялик Евгений Панарин, қозғистонлик Есен Бектуров, ўзбекистонлик С.Ньёматовларнинг маърузалари қатнашчиларда яхши таассурот қолдирди.

Анжуман ёш олимлар учун ўзига хос мактаб бўлди.

Наира ВОХИДОВА, Ўзбекистон Фанлар академиясининг полимерлар кимёси ва физикаси институти катта илмий ходими, кимё фанлари номзоди

— Мухими, конференция давомидо бошқа давлатлардан келган олимлар би-

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Полимерлар кимёси ва физикаси институтида «Полимерлар ҳақидаги фан: инновацион иқтисодиёт тараққиётидаги хиссаси» мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуман халқаро кимё йили, мазкур институт ташкил этилганлигининг 30 йиллиги ва мамлакатимизда полимерлар фанига асос солган академик Ҳамдам Усмонов таваллудининг 95 йиллигига бағишланди. Илмий форумда мамлакатимиз олимлари билан бир қаторда Россия, Беларус, Қозғистон, Тожикистон ҳамда Канаданинг етакчи олимлари ҳам қатнашиб, айни пайтда олиб бораётган тадқиқотлари билан ўртоқлашдилар.

Илмий баҳслар — тараққиёт омили

лан фикр алмашув чоғида янги-янги гоялар туғилди. Бу табиий, албатта. Қаерда илм-фан ривожига эътибор қаратилса, уша ерда тараққиёт бўлади. Менда, айниқса, санкт-петербурглик Евгений Панарин, олимларимиздан Ньёмат Ашуоров, Аббосхон Тураевларнинг маърузалари жуда катта таассурот қолдирди.

Раиса ГОРШКОВА, тожикистонлик олина, кимё фанлари номзоди:

— Сўзга чиққан олимларнинг кўпчилигини яхши танийман. Улар билан турли анжуманларда учрашганмиз. Лекин бу сафаргиси ниҳоятда янгиликларга бой бўлди. Уйлашмиш, полимерлар ҳақидаги фан ривожланишида.

Ўзбекистон Фанлар академияси бирлашган касаба уюшма кўмитаси раиси


Халқаро конференция

Шерзод Жўраевни ҳам анжуманда учрадидик.

— Институт касаба уюшма кўмитаси раиси Шаҳноза Мақсудова билан қатнашчилар учун кўнглидагидек шароит яратишга ҳаракат қилганимиз, — деди Шерзод Жўраев. — Меҳмонлар учун Тошкент шаҳри бўйлаб сайр уюштирдик. 30 нафар иштирокчини эса Тошкент шаҳар касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди.

Шунингдек, 15 нафар ёш олимларга бирлашган касаба уюшма кўмитасининг Фахрий ёрликларини топширдик.

Ньёмат РАФИҚОВ,
«Ishonch» мухбири,
Козим ЎЛМАСОВ олган сурат



Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят кенгаши

Мамлакатимиздаги барча тиббиёт ходимларини касб байрами билан муборакбод этамиз.

Халқнинг дардига малҳам, ташвишига ҳамдам бўлгучи қўли енгил шифокорлар, ширинсўз ҳамширалар ҳамisha соғ-омон бўлинг!
Оилангизни тинчлик-тотувлик, қут-барақа асло тарк этмасин, масъулиятли ва шарафли ишларингизда доимо омад ёр бўлсин!

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ishonch» мухбири

«RESPUBLIKA MULK MARKAZI» YoAJ Фарғона вилоят филиали бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Фарғона вилоят филиали «Ишонч» 2011 йил 25 майдан 153-сонли қарорига асосан қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
1. Фарғона вилоят ҳокимлиги «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компаниясига тегишли «Тико» русумли автотранспорт, 2002 йилда и/ч, д/р 40 674 ЕАА, бошланғич баҳоси — 4 152 348 сўм.

1. «Опел-омега» русумли автотранспорт воситаси, 2001 йилда и/ч, д/р 40 257 LAA, бошланғич баҳоси — 10 465 617 сўм.
2. «Дамас» русумли автотранспорт воситаси, 1996 йилда и/ч, д/р 15 AC 197, бошланғич баҳоси — 4 373 615 сўм.
3. «Дамас» русумли автотранспорт воситаси, 1996 йилда и/ч, д/р 15 AC 221, бошланғич баҳоси — 4 372 562 сўм.

ДМҚ Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси оммавий оферта савдоларини ўтказиш тўғрисида ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Сотувчи: Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси.
Сотувчининг манзили: 100060, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16-«а» уй.
Телефон: 233-35-08, факс: 233-35-08, 233-23-52, электрон почта: gki@rambler.ru

«Respublika Mulk Markazi» YoAJ «Poytaxt filiali»-да бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳамасининг 2009 йил 31 декабрдаги № 343-сонли ҳамда 2011 йил 26 майданги № 153-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг 2011 йил 26 октябрдаги 01-2/10-9880-сонли хатига асосан, Давлат божхона қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасига тегишли, Тошкент вилояти, Қўйилма қўйидаги қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
1. «Доган» русумли, 1993 йил и/ч, д/р 10 AW 491 бўлган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 988 561 сўм.

«Andijon mulk markazi» MЧЖ бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Суд департаменти Андижон вилоят ҳудудий бошқармасига тегишли, Ўзбекистон Республикаси Вазирилар Маҳамасининг 2009 йил 31 декабрдаги № 343-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Суд қарорларини икром этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментининг 2010 йил 18 ноябр ҳамда 2011 йил 29 мартдаги 20-02-709/2-сонли ва 2011 йил 20 октябрдаги 17-01-165/2-сонли хатларига асосан Суд департаменти Андижон вилоят ҳудудий бошқармаси балансидаги, Андижон шаҳар, Бобур шох кўчаси, 26-уйда сақланган қўйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:
1. «Нексия» русумли, д/р 60 308 HAA, 1999 й. и/ч. Бошланғич баҳоси — 6 302 000 сўм.

«Respublika Mulk Markazi» YoAJ «Poytaxt filiali»-да бошланғич баҳоси бошқичма-бошқич охиб бориш тартибда ўтказиладиган очқ аукцион савдосига таклиф этади!

Table with 10 columns: No, Avtotransport vositasining rusumi, i/ч йил, Davlat rakami, Boшланғич баҳоси, No, Avtotransport vositasining rusumi, i/ч йил, Davlat rakami, Boшланғич баҳоси. Contains 55 rows of auction lots.

Аукцион савдоси 2011 йил 19 декабр кунин соат 11:00 да бўлиб ўтади.
Талабгорлар диққатига! Юқоридagi юк ташин автотранспорт воситалари 2011 йил 19 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, юк ташин автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 27 декабр ва 2012 йил 17 ва 24 январ кунари соат 11:00 да бўлиб ўтишин олдиндан маълум қиламиз.

Музокалар 2011 йил 15 декабр кунин соат 16:00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темури шох кўчаси, 16-«а» уй манзилида ўтказилади.
Объектнинг бошланғич баҳоси — Объектлар рўйхати келтирилган иловага мувофиқ
Объектни сотиб олиш шартлари қуйидагича:
— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш;
— энг камийда иловада келтирилган микдорда инвестиция киритиш мажбуриятини олиш;
— янги ишчи ўринлари ташкил этиш;
— сотиб олиш тўлови ва қўшимча инвестиция киритишни киска муддатларда амалга ошириш.

Table with 10 columns: №, Объект номи, Бино ва иншоотлар майдони (кв.м.), Объект манзили, Балансда сакловчи, Сотилиш белгиланган давлат улиши, Бошланғич баҳоси (сўм), Инвестиция мажбурияти (сўм), Инвестиция иретиш муддатлари. Contains 55 rows of auction lots.

Балансда сакловчи ташкилотлар:
БФД — Тошкент шаҳар бинолардан фойдаланиш бўйича департаменти
ТШХҚФБ — Тошкент шаҳар ҳудудий коммунал-фойдаланиш бирлашмаси
«ЯБХ» ИК — «Ягона буюртмачи хизмати» инжиниринг компанияси
ИТБ — Инженерлик-техник базаси

● Санъат

Шу йилнинг май ойида Миллий санъат марказида таниқли rassom, пейзаж устаси Абдували Мўминовнинг «Мовий осмон остида» деб номланган шахсий кўргазмаси ташкил этилган эди. Кўргазма мусаввир таваллудининг 70 йиллигига бағишланиб, унда эллиқдан ортиқ картина экспозицияга кўйилганди.

Юксак эътироф

Яқинда Миллий санъат марказида «ИЖОД» Ўзбекистон rassomлар, санъатшунослар ва халқ усталари уюшмаси аъзоси А.Мўминовга «Antique world» («Қадимий дунё») Халқаро фанлар академиясининг академик унвонини топириш маросими бўлиб ўтди. Бу миллий санъатимизнинг халқаро миқёсда яна бир бор тан олинishi, юксак даражада эътироф этилишидир.

Рассом азим Тошкент шаҳрида таваллуд топган. Ўз касбига иштиёқи болаликдан кучли бўлган ёш Абдували П.Бенков номидаги республика rassomчилиқ билим йўртида истеъдодини сайқал топтирди. Сўнг, Низомий номидаги педагогика институтига ҳужжатларини топширди. Талабалик йилларида олган билимлари уни яна бир поғона кўтарди.

Вақт-соати келиб, унинг кўргазмалари республика миқёсда намойиш этила бошлади. Рассом асарлари юртимиздан ташқари Туркия, Корея Республикасида ҳам кўргазмага кўйилди, Буюк Британия, Германия, Туркия каби давлатларда чоп этилган тўпламлардан жой олди.

Юртимизнинг Бахмал, Шохимардон, Сўқок, Бурчмулла, Зомин сингари гузал гўшалари мўйқалам соҳибини пейзаж жанрига ошно этди. У «Сурхон», «Бойсун» мавзуларида туркум асарлар яратган. Тасвирнинг табиийлиги, бўёқ ва чизгилар уйғунлиги муҳлисларга ўз таъсирини ўлкамай қолмайди.

Комила БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири

● Обуна – 2012



Фахрийларга имтиёз

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ҳамда ўзгаришлардан хабардор бўлишда матбуотнинг ўрни муҳим.

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Сурхондарё вилоят кенгаши раёсати аъзолари тизимда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган фахрий фаоллардан бир гуруҳини «Ishonch» газетасига 2012 йил учун бепул обуна қилиб берди.

— Кенгашимизнинг шу йил 1 ноябрдаги қарори билан Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Хадика Бобохонова, матбуот фахрийси Аннакул Шаймардонов ҳамда Мамат Сатторов, Турсуной Ниёзова, Абдурашул Ибрагимов сингари 10 нафар касаба

уюшма фахрийларини бепул обуна қилдик, — дейди кенгаш раиси Холбўта Досов. — Тармоқ тизимимиз келгуси йил учун «Ishonch» газетасига 850 донна обуна уюштирди. Юқоридаги бепул обуна ушбу режага кирмайди. Бундан ташқари, ҳар бир туман

бирлашган кўмиталаримиз ўз ҳудудларида истикомат қилаётган 5-10 нафар фахрийни бепул обуна қиладилар.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«Ishonch» мухбири.
Н. БОЙМУРОДОВА
фотоси

● Кўргазма

Ўзбекистон «Адолат» СДП Тошкент шаҳар Кенгаши кўмаги билан «Shine Art» бадий уюшмаси ва Тошкент вилояти «Баркамол авлод» маркази томонидан «Ro'yxat Navroz taom savdo» ДУҚда «Ўзбекистон халқининг тарихий либослари» мавзuida кўғирчоқлар кўргазмаси ташкил этилди. Эътиборли жиҳати кўргазмада ажойиб кўғирчоқларнинг тарихий либосларида намойиш этилганлигидир.

Кўғирчоқлар — менинг дўстларим

— Мазкур тадбир биринчи бор ташкил этилиши, — дейди Ўзбекистон тарихи давлат музейи директори Жаннат Исмоилова. — Шу кунгача миллий кўғирчоқлар кўпроқ театр ўйинлари учун ясаларди. Энди эса, улар кўпроқ фарзандларимиз ўйнаб улғайиши ва кўғирчоқлар орқали миллий либосларимиз билан яқиндан танишиши учун хизмат қилмоқда.

Кўргазмада XV-XVI асрлар руҳини берувчи либослар, уларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин. Либослар тарихи бўйича ташкил этилган манбалар нафақат кийим-кечак дизайнерлари, rassomлар, кино ва театр усталарини, балки халқимиз ўтмиши ва маданий тарихи билан танишишни истаганларни ҳам бирдек қизиқтира олади.

Либосларнинг аксарияти Тошкент вилояти «Баркамол авлод» марказида дизайнерлик, rassomчилиқ, умуман, маданият соҳасида кўшимча билим ва кўника олаётган ёш авлод вакиллари томонидан ишлангани алоҳида таҳсинга лойиқ.

— Кўғирчоқлар боланинг дунёни англашида ёрдамчи воситадир, — дейди Миллий rassomлик ва дизайн институти профессори, санъатшунос Зухра Ибрагимова. — Бугунги кўргазмада ўз ишлари билан қатнашган фарзандларимиздан келажакда улғу ишлар кутса бўлади.

Назира БОЙМУРОДОВА,
«Ishonch» мухбири.
Муаллиф олган сурат



oliy baxt

Muassis:

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir:

Abduxoliq Abdurazzoqov

Tahrir hay'ati:

Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV

(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'liqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

Bo'limlar:

Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot 256-03-90

Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43

Reklama va e'lonlar 256-87-73

Viloyatdagi muxbirlar:

- Andijon + 99897 465 05 68;
- Buxoro + 99893 653 50 81;
- Jizzax + 99872 360 00 10;
- Navoiy + 99893 725 46 40;
- Namangan + 99897 491 79 28;
- Samarqand + 99866 708 70 12;
- Surxondaryo + 99897 458 05 07;
- Farg'ona + 99873 221 93 19;
- Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm + 99862 562 56 75;
- Qashqadaryo + 99897 414 30 78

Manziligimiz:

100165, Toshkent shahri,
«Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail:
ishonch2011@gmail.com

Nashr ko'rsatkichi:

133

Navbatchi muharrir:

A.Qodirova

Navbatchi:

U. Ibodinov

Musahhib:

S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi:
H.Abduljalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyodorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonasi manzili:
«Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart.
Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

h - Tijorat materiallari

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida O'116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirishi - 21.00

Buyurtma T — 1111

12968 nusxada bosildi

1 2 3 4 5

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши



Хаётини эл саломатлигини муҳофазалашга бағишлаган барча тиббиёт ходимларини, инсон дардига малҳам бўлиб яшаётган, юраги яхшилигу саховатга тўла шифокору ҳамшираларни, соҳа фидойиларини касб байрамлари билан муборакбод этади. Шарафли ва масъулиятли фаолиятингизда муваффақият, ҳар бирингизга бахту саодат, хонадонингизга файзу барака тилайди. Қалбингизни меҳр-мурувват ва эзгулик нури мунаввар этсин!

Марказий кенгаш бундан буён ҳам тармоқ ходимларининг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, саломатлиги, оиласи, фарзандлари ҳақида ғамхўрлик кўрсатиш, фидокорона меҳнатини қадрлаш, муносиб баҳолаш, қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқариш учун бор имкониятини сафарбар этади.

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!